

ЖАРАНГЛАДИ, СҮНГГИ ҚҮНФИРОҚ!

2023-2024 ўкув йилида Ѓзёвон туманиндағи 40 та мактабни 2216 нафар 4-, 1858 нафар 9-, 1131 нафар 11-синф ўқувчилар битиришяпти. Сүнгги құнғироқ тадбирларында пухта тайёргарлик күрилиб, уюшқоқлик билан ўтказилди. Марказий Фарғона маҳалла фуқаролар йиғини худудидаги 4- мактабда ўтказилған тадбирда туман ҳокими Дилшоджон Джалилов иштирок этди. Тадбир давлат мадхияси билан бошланди. Туман ҳокими Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг мактаб битирувчилариға табригини ўқиб эшилтириди. Шунингдек мактаб битирувчилариға мустақил ҳаётда ўз ўрниларини топиб, эл-юрт равнақи йўлида хизмат қилувчи ўғил-қизлар бўлиб етишишларини тилади. Фаол устоз ва ўқувчиларга мақтov ёрлиқлари, ташаккурномалар топширилди. Битирувчи 11-синф ўқувчилари устозларига миннатдорчиллик дил сўзларини айтишди. Мактаб бадиий ҳаваскорлари концерт дастурларини ижро этишди. Кутилган, қалбларни титратувчи сүнгги құнғироқ жаранглади. Икки оғиз 4-мактаб ҳақида: кейинги йилларда 240 ўринли ўқув биноси таъмирланди. 210 ўринли янги бино қурилди. Моддий-техника базаси яхшиланиб, ўқув жиҳозлари тўлиқ янгиланди. 2021 йилда 1- тоифали 1, 2-тоифали 5 нафар устоз ишлаган бўлса, ҳозирда халқаро тан олинган маҳсус сертификатга эга 5, олий тоифали 2, 1-тоифали 8, 2-тоифали 13 нафар устоз ёшларга дарс беришяпти. Битирувчиларининг олий ўқув юртига кириши 2021 йилда 33, 2022 йилда 40, 2023 йилда 50 фоизни ташкил қилган. - 2024 йилда бу рақамни камида 60 фоизга чиқарамиз,-дейди мактаб директори Улуғбек Исаков.

2024-05-25 11:04:19